DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7628963 Pages: 147-158



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



СИФАТЛИ ТАЪЛИМДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ – ЮНЕСКО МИССИЯСИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

Маъмурахон Алишерхўжаева
Тошкент давлат шарқшунослик университети докторанти
xubsurat@mail.ru

Калит сўзлар: таълим барча учун**,** дискриминация, гендер тенглиги, сифатли таълим, Баркарор Ривожланиш Мақсадлари(БРМ)

АННОТАЦИЯ-: Статистик манбалар ва олиб борилган тадқиқотлар натижалари таълимни ислоҳ қилиш йўлида энг катта бартараф этиш лозим бўлган муаммолардан бири бу – айнан аёл ва қизларнинг саводхонлигини ошириш эканлигини кўрсатади. Сабаби, заиф қатлам – нафақат мактаб ёшидаги болалар орасида, балки катталар орасида эркаклардан кўра аёлларнинг таълим олишга имконияти 2 баравар паст даражада эканилиги ҳисобланади.

GENDER EQUALITY IN QUALITY EDUCATION IS A PRIORITY LINE OF THE MISSION OF UNESCO

Key words: education for all, gender equality, discrimination, quality education, Sustainable Development Goals (SDG),

Abstract: Statistical data and research results show that one of the biggest problems to be solved in the way of education reform is to increase the literacy of girls and women. The reason is a weak layer - not only among school-age children but also among adults, the opportunities for women to receive education are 2 times lower than for men. A few scientists emphasize that the most effective way to achieve sustainable development of the world in the modern era is to reform education at the global level, which should ensure gender equality.

ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО В КАЧЕСТВЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ – ПРИОРИТЕТНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ МИССИИ ЮНЕСКО

Ключевые слова: образование для всех, гендерное равенство, дискриминация, качественное образование, Цели в области устойчивого развития (ЦУР),

Аннотация: Статистические данные и результаты проведенных исследований показывают, что одной из самых больших проблем, которую предстоит решить на пути реформы образования, является повышение грамотности девочек и женщин. Причина в слабой прослойке - не только среди детей школьного возраста, но и среди взрослых возможности получения образования у женщин в 2 раза ниже, чем у мужчин. Ряд ученых подчеркивают, что наиболее эффективным

способом достижения устойчивого развития мира в современную эпоху является реформирование образования на глобальном уровне, при котором должно быть обеспечено гендерное равенство

Кириш. Инсониятнинг ривожланиши, унинг тарихи ва келажаги илм-фан ва таълим билан чамбарчас боғлиқ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «ёшлар» категориясига 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган шахслар киритилади[1]. Таълимнинг энг асосий истеъмолчилари ёшлар ҳисобланса, бу категория ҳозирда дунё аҳолисининг деярли 1,2 млрд қисмини ташкил этади. Шунингдек, илм-фаннинг, таълимнинг ёш чегараси ҳам йўқ эканлигини инобатга олган ҳолда ушбу секторнинг доимий эътиборда, ривожлантиришда олиб борилиши давлатларнинг барқарорлиги, аҳоли яшаш сифатини белгиловчи бирламчи соҳалар эканлиги маълум бўлади. Қолайверса, ривожланишда энг бирламчи тўсқин ҳисобланувчи камбағаллик ва қашшоқликни бартараф этишнинг бирдан бир йўли сифатли, истисноларсиз(жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқиши ва молиявий ҳолати, этник келиб чиқиши ҳамда ногиронлик ҳолати кабилар) таълимни йўлга қўйиш эканлиги қатор тадқиқотлар томонидан исботланди. Демак, фан ва таълимни ривожлантириш, барча учун ва сифатли бўлишини таъминлаш доимий ва глобал мақсаддир.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бу борада узлуксиз чора-тадбирлар олиб борилади, дастурлар ишлаб чиқилади. Статистик манбаларга ва олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра таълимни ислоҳ қилиш йўлида энг катта бартараф этиш лозим бўлган муаммолардан бири бу – айнан аёл қизларнинг саводхонлигини ошириш ҳисобланади. Сабаби саводхонлик ва функционал саводхонлик кўрсаткичларини аниқлаш учун олиб борилган тадқиқотлар натижаси заиф қатлам нафақат мактаб ёшидаги болалар орасида балки катталар орасида

[1] Ушбу манбада аслида «ёшлар» категорияси глобал миқёсда айнан белгиланмагани, 15 дан 24 гача ёшлар оралиғи эса статистик мақсадларда БМТ томонидан танлаб олингани келтирилган. Youth/peace, dignity, and equality on a healthy planet. Available at: un.org/en/global issues/youth

эркаклардан кўра аёлларнинг таълим олишга имконияти 2 баравар паст даражада эканлиги маълум бўлган. Доимий эътиборни ва рағбатлантиришни талаб этувчи ушбу соҳа ўз хусусиятларига кўра давлатлараро ҳамкорлик ва тегишли ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама дипломатияни ҳам талаб этади. БМТнинг айнан таълимга оид дастурлари ижросини ғоялар бўйича лабараторияси вазифасини таълим, фан ва маданият бўйича махсус ташкилоти(ЮНЕСКО) бажаради.

Таълим ва фан ЮНЕСКО фаолияти соҳалари орасида энг муҳими ҳисобланади. Бу эса табиий ҳодиса бўлиб – таълимга эътибор инсониятнинг барқарор ва сифатли турмуш тарзини, тегишлича халқ ва давлатнинг ҳам фаровонлигини белгилаб берувчи бирламчи омил эканлигидандир[2]. ЮНЕСКО ўз фаолияти давомида дунё давлатлари аҳолисининг барчаси учун таълимни таъминланиши ва сифатли таълимдан баҳраманд бўлиш ҳар қандай инсоннинг асосий ҳуқуқи эканлигини илгари суради. Шунингдек ушбу соҳа давлат ижтимоий ислоҳотлари орқали ривожлантирилишини эътиборга олган ҳолда, иқтисодий ислоҳотларнинг ҳам салмоқли қисмини сафарбар қилиш эффектив натижаларни келтириб чиқариши белгиланган. Давлатларнинг деярли барча соҳалардаги ривожланиши учун салбий таъсир кўрсатган Жаҳон уруши оқибатларини бартараф этиш, далатлар дўстлигини муайян давр учун эмас абадийлигини турли соҳаларда ҳамкорлик орқали йўлга қўйиш, мақсадида ЮНЕСКО 1945 йилда ташкил этилиб, ҳозирги пайтда 200га яқин давлат, таркибида эса 60 бўлинма ва бюролар фаолият юритади[3]. Ташкилотнинг тузилишидан бошлаб ҳозирга қадар бўлган давр мобайнида бир қатор чора тадбирлар ва дастурларнинг амалга оширилиши таълимдаги тенгсизликнинг, сифатсизликнинг, шу билан бирга ҳатто аёллар ва қизларнинг таълимдаги дискриминацияси ҳолатлари билан курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ўз натижасини бирин кетин кўрсатиб келаётганига

[2] Раҳимов М. 1991-1999йй Ўзбекистон Республикасининг БМТ ихтисослашган муассасалари билан ҳамкорлиги(ЮНЕСКО мисолида).Тарих фан.номз ... дис.автореф. -Т., 2000. Б. 67-77.(охирида 150бет хаммаси)

[3] Сайфуллаев Д. Инициатива основанная на доброте. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №4. 2020. Б.18.(18-24)

қарамай, юқорида таъкидланганидек, ҳамон аёллар ва эркаклар орасида сезиларли фарқ борлиги маълум бўлади. Таҳлилларга кўра, бу борада камбағаллик даражасидаги Осиё давлатлари ҳамда ривожланаётган давлатлар кўмак учун энг эҳтиёжманд давлатлар ҳисобланади.

ЮНЕСКО, аввало, глобал миқёсда «Таълим барча учун» дастурини амалга ошириш вазифаси юклатилган ташкилот ҳисобланиб, саводсизлик, тенгсизликни бартараф этиш ва сифатли таълимни таъминланиши учун фаолият олиб боради. Иккинчидан, аъзо давлатлар таълим тизими шаклланиши ва янгиланишида ўз тажрибаси билан кўмак беради. Ижтимоий фанларда муайян мавзу тадқиқ этилар экан, «замонавий » калимаси шартли ҳисобланиши маълум. Ушбу мақолада, ЮНЕСКОнинг гендер тенглиги ва истисноларисиз, глобал ва бутун ҳаёт давомидаги таълим муҳитини яратиш борасидаги замонавий даври ўзига хос жиҳатлари ва мавжуд муаммоларнинг ечимида олиб бораётган фаолияти таҳлил этилиб кўриб чиқилади.

Асосий қисм. Ўзбекистон Республикаси таълим тўғрисидаги қонунда, таълим шундай тизимли жараёнки, умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилиб, таълим олувчиларга назарий илм билан биргаликда амалий кўникма ва малакаларни тақдим этади дея келтирилади. ЮНЕСКО ҳисоботларида эса, таълимга билим олишни, қобилият, қадрият, ишонч ва интизомни ўзлаштириш/йўлга қўйиш жараёнидир - сифатли таълим эса - кўникмаларни ривожлантириш, гендер тенглиги, зарурий мактаб инфратузилмаси, жиҳозлар, ўқув материаллари ва ресурслари, стипендиялар ёки ўқитувчилар билан таъминлаш каби масалаларни ўз ичига олади деб таъриф берилган[4]. Ҳамда таълим олишнинг узлуксизлиги ва барча учун тенг имкониятлар яратилиши Ўзбекистон таълим тизимининг энг асосий принциплари ҳисобланиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар

[4] SDG Resources for Educators - Quality Education. Available at: https://en.unesco.org/themes/education/sdgs/material/04

кимга таълим олиш учун тенг ҳуқуқлилик кафолатланади[5]. Таъкидлаш лозим бўлган жиҳати ушбу қонуннинг илк ишлаб чиқилиши ва жорий қилинишида Ўзбекистон ҳукумати билан бирга ўзининг тажрибаси билан ниҳоятда катта ёрдам билан ЮНЕСКО иштирок этган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2015 йилдан бошлаб олиб борилаётган Барқарор Ривожланиш Мақсадлари (БРМ) инсон, Ер курраси, фаровонлик учун ишлаб чиқилган кун тартиби ҳисобланади. Унинг 17 мақсади ва 169 вазифаси орасида тўртинчи мақсад «Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олишни рағбатлантириш» деб номланади ва 2030 йилга қадар глобал миқёсда амалга оширилади. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун 7 вазифа илгари сурилган бўлиб улар қуйидагилардан иборат[6]:

4.1. 2030 йилга қадар қизлар ва ўғил болаларнинг бепул, адолатли, сифатли, шу билан бирга, тегишли ва самарали таълим натижаларини берувчи бошланғич ва ўрта таълимни тамомлашини таъминлаш;

4.2. 2030 йилга қадар қиз ва ўғил болаларнинг сифатли ривожланиш тизимларига эга бўлишларини, шунингдек, кичик ёшдаги болаларнинг бошланғич таълимни олишлари учун мактабгача таълим ва парваришга эга бўлишларини таъминлаш;

4.3. 2030 йилга бориб барча аёллар ва эркакларнинг арзон ва сифатли касб-ҳунар ва олий таълим, жумладан, университет таълимидан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

4.4. 2030 йилга қадар бандлик, муносиб меҳнат ва тадбиркорлик учун талаб қилинадиган кўникмаларга, жумладан, техник ва касбий кўникмаларга эга бўлган ёшлар ва катталар сонини сезиларли даражада ошириш;

4.5. 2030 йилга қадар таълимдаги гендер тафовутларини бартараф этиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан

[5] Ўзбекистон Республикасининг қонуни. «Таълим тўғрисида»// 23.09.2020 йилдаги ЎРҚ-637-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон

[6] 17ta dunyoni o'zgartirishga yo'naltirilgan Barqaror Rivojlanish Maqsadlari// 03 fevral 2021//Available at: https://uzbekistan.un.org/index.php/uz/110345-17ta-dunyoni-ozgartirishga-yonaltirilgan-barqaror-rivojlanish-maqsadlari

ногиронлар, маҳаллий халқлар ва ҳимояга муҳтож болалар учун барча даражадаги таълим ва касб-ҳунар таълимидан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

4.6. 2030 йилга бориб барча ёшлар ва катта ёшдаги аҳолининг салмоқли қисми, ҳам эркаклар, ҳам аёлларнинг ўқиш, ёзиш ва ҳисоблай олишларини таъминлаш;

4.7. 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш ва барқарор турмуш тарзи, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, тинчлик ва зўравонликсизлик маданиятини тарғиб қилиш, глобал фуқаролик ва маданий хилма-хиллик ва маданиятнинг барқарор ривожланишга қўшган ҳиссасини тан олиш;

4.a. Болалар манфаатлари, ногиронларнинг эҳтиёжлари ва гендер тенглигини назарда тутувчи таълим муассасаларини қуриш ва такомиллаштириш ҳамда барча учун хавфсиз, зўравонликсиз, ижтимоий тўсиқларсиз, самарали таълим муҳитини таъминлаш;

4.b. 2020 йилга келиб бутун дунё бўйлаб ривожланаётган мамлакатлар, айниқса, ривожланиши паст давлатлар, ривожланаётган кичик орол давлатлар ва Африка мамлакатлари учун ривожланган мамлакатларда мамлакатларда олий таълим, жумладан, касб-ҳунар таълими ва ахборот-коммуникация технологиялари, техник, муҳандислик ва илмий дастурлар бўйича таълим олиш учун бериладиган стипендиялар сонини сезиларли даражада ошириш;

4.c. 2030 йилга қадар ривожланаётган мамлакатларда, айниқса, ривожланиши паст мамлакатлар ва ривожланаётган кичик орол давлатларда халқаро ҳамкорлик орқали малакали ўқитувчилар сонини сезиларли даражада ошириш[7].

Вазифаларнинг учинчи ҳамда бешинчи пунктлари тадқиқот мавзу ва муаммосини айнан таъкидлашини кузатиш мумкин. Ушбу мақсад ва вазифалар 2030 йилга қадар эришишга қаратилган бўлса, Ўзбекистон

[7] Цель 4: Обеспечение всеохватного и справедливого качественного образования и поощрение возможности обучения на протяжении всей жизни для всех. Цели в области устойчивого развития. Available at: https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/education/

Республикаси томонидан 2015 йилнинг сентябрь ойида маъқулланган. Таъкидлаш жоизки, 2019 йилда давлат Президентининг « Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони эълон қилиниб, кўрстатилган даврга қадар ҳар йили тегишли йўналишларда йўл хариталари ишлаб чиқилиши ва унинг мазмуни айнан юқорида кўрсатилган вазифаларни амалга оширишни назарда тутади[8]. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати ҳар томонлама тенгликни таъминлашга қаратилган бўлиб, бу аввало, бош қомус – давлат Конституцияси, норматив ҳуқуқий асослари билан белгилаб қўйилган[9]. Сифатли таълимни таъминлаш, уни ривожлантириш – инсониятнинг ижтимоий ва иқтисодий шароитларини яхшилаши учун энг муҳим вазифа эканлиги, ривожланиш ва ислоҳотларнинг эса айни шу соҳадан бошланишини кўриш мумкин.

ЮНЕСКО ўзининг расмий ахборот саҳифасида, фаолияти доирасида бир қатор вазифаларни бажарар экан, ҳамкорлик, йўл йўриқ кўрсатиш, салоҳиятни ривожлантириш, мониторинг ва муҳофаза каби воситаларни қўллаш орқали фан ва таълимни ривожлантиришни ўзининг энг устувор йўналиши сифатида эътироф этади. Шу билан бирга, асоси илм бўлган айнан ушбу махсус Ташкилот зиммасига Барқарор ривожланиш мақсадларининг таълим соҳасига оид мақсад ва вазифаларини амалга ошириш юклатилган. Йиллар давомида амалга оширилган ислоҳотлар ва бунинг натижасидаги улкан ўўзгаришларга қарамай дунё бўйлаб ҳали ҳамон таълимдаги тенгсизлик, истиснолар(қизлар ҳозирги кунда ҳам ўғил болаларга қараганда кўпроқ синфхоналарга ҳатто қадам босмайдилар) мавжудлигини ЮНЕСКО тадқиқотлар ва статистикалар институти келтиради. Аслида, ЮНЕСКОнинг амалга оширувчи ишларидан бири ҳам – маълумотлар еғиш ва муаммолларни бирма бир ўрганиб ечим таклиф этишдан иборат. Жаҳон бўйлаб 103 миллион

---

[8] Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. « Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»(2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон) URL: https://lex.uz/docs/4545884

[9] Ниязова Н. Проблема обеспечения гендерного равенства в системе международных отношений. Дисс.на соис.уч.степени PhD по полит.наукам. -Т., 2019.С.5.(159)

ёшларнинг саводсизлиги, бунинг 60% улуши эса аёлларга тўғри келишини кўрсатувчи хулосалар асосий сабаблар сифатида қуйидагиларни келтиради:

– камбағаллик;

– этник-ижтимоий чекловлар;

– низолалар таъсиридаги ҳудудлар;

– уруш давом этаётган ёки урушдан кейинги ҳолатлар.

Таълимда ва таълим орқали гендер тенгликни таъминлаш учун ЮНЕСКО тарафидан 2019-2025 йилларга қаратилган «Имкониятдан - уни кенгайтириш томон»[10] стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу стратегиянинг қўйилган мақсадга эришиш учун уч асосий устуни илгари сурилади. Улар *чора тадбирларни аниқ ахборот билан таъминлаш, ҳуқуқларни илгари суриш учун янада яхшиланган қонуний, сиёсий ва режавий чора-тадбирлар, имкониятларни кучайтириш учун яхшиланган ўқитиш ва ўрганиш амалиётлари*дан иборат.

<table>
<tr><td rowspan="4">Стратегияни амалга ошириш режаси[11]</td><td>Соҳалардаги устуворликлар</td><td colspan="2">Аниқ ҳаракатлар учун аниқ ахборот</td><td colspan="2">Қонуний, сиёсий ва режавий чора-тадбирлар</td><td>Ўқитиш ва ўрганишнинг яхшиланган амалиётлари</td></tr>
<tr><td>Жорий қилиш механизмлари</td><td>Стратегия координацияси Таълимда гендер тенглик секцияси назоратида амалга оширилади</td><td>Гендер мувофиқлиги Таълим сектори доирасида тузилади</td><td>Глобал, минтақавий ва миллий даражаларда кенгайтирилган ҳамкорликлар олиб борилади</td><td>Уч тематик устувор йўналишларда лидерлик ва тарғибот олиб борилади</td><td>Ҳар йил учун ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилади ва манбалар йўналтирилади</td></tr>
<tr><td colspan="6">Асосий тамоиллар</td></tr>
<tr><td>Қонунга асосланган фаолият</td><td>Яхшиланиш - трансформацияга қаратилган фаолият</td><td>Давлатларни молиявий қўллаб қувватлаш</td><td colspan="2">Аниқ далилларга асосланган фаолият</td><td>Ҳамкорликка асосланган фаолият</td></tr>
</table>

[10] From access to empowerment. UNESCO strategy for gender equality in and through education 2019-2025. Published in 2019 by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization, Paris 07 SP, FranceAvailable at: https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000369000

[11] Ўша ерда.

Муҳокама. Жадвалга биноан шуни келтириш мумкинки, ЮНЕСКОнинг «Таълим учун ва таълим орқали» фаолияти халқаро майдонда БМТнинг дунёнинг Барқарор Ривожланиши Мақсадлари режаси илдизи бўлмиш таълим ва унда гендер тенгликни, аёлларнинг илм ва фандаги иштирокини таъминлаш бўйича лейтмотиви ҳисобланади. Биринчидан, давлатларга бу борада ҳар қандай тадқиқот учун, тажриба тўплаш ва натижа олиш учун аҳамиятли ҳисобланган далилларни еғиш, статистик маълумотларни таҳлил қилиш, қисқаси, аниқ маълумотни аниқ натижа учун фойдаланишда кўмак беришни ўз зиммасига олган. Бунинг учун эса ЮНЕСКОнинг Статистикалар институти БРМнинг 4 мақсади вазифаларини бажариш учун махсус сафарбар қилинган институт ҳисобланади. Иккинчидан, Ташкилотнинг тузилишидаги унга қўйилган мақсадни эсаласак, тинчликни доимийлаштириш йўлида таълим, фан ва маданий ҳамкорлик эканлиги бўлса, ҳозирга қадар таълимда аёллар дискриминацияси ёки тенгсизлигини бартараф этиш фаолияти бўйича ўнлаб конвенциялар ишлаб чиқилгани, халқаро ҳуқуқий базанинг йиллар давомида такомиллашаётгани қўйилган вазифанинг қонуний жиҳатларининг ҳолатини ҳам кўрсатади[12]. Юқорида келтирилган старатегияга кўра янада замонавийлаштирилган қонуний, сиёсий жиҳатлама фаолият – ушбу конвенцияларга давлатларнинг кириши, қўйилган мажбуриятларни эса амалга ошишида катта ёрдам беради. Давлатларнинг миллий қонунчилиги томонидан келтириб ўтилган конвенцияларни қабул қилиш йўлга қўйилган мақсадларга янада яқинлашишга сабаб бўлади, бу ЮНЕСКО тарафидан доимий қўллаб қувватланади. ЮНЕСКО ваколатига кирувчи соҳаларда, шу жумладан соғлиқни сақлаш ва ҳар томонлама жинсий таълим, эрта ва кутилмаган ҳомиладорлик, мактаб билан боғлиқ гендер зўравонлик каби соҳаларда қонунлар, сиёсат ва тартибларни қабул қилиш ва амалга ошириш учун

[12]Бунга Таълим соҳасидаги дискриминацияга қарши конвенция (1960), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966), Аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (1979) ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989. Батафсил қаранг: ЮНЕСКО ва Таълим ҳуқуқи ташаббуси(2019) Таълим олиш ҳуқуқи бўйича қўлланма. Париж, ЮНЕСКО ва Лондон.

вазирликлараро ва секторлараро сиёсат мулоқоти ва ҳамкорликка кўмаклашиш ушбу кўмакнинг бир қисми ҳисобланади. Қолайверса, ушбу стратегия бир бирига боғлиқ ва ўз натижадорлигини исботлаган соҳаларга қаратилган ҳисобланиб, учинчи устунни бажаришда «Янада кўпроқ малакали ўқитувчилар, яхшироқ таркиб ва такомиллаштирилган ўқув жараёнлари» шиорига амал қилади.

Хулоса. Таълим – инсоннинг энг асосий ҳуқуқидир, ЮНЕСКОнинг буни хач бир истисносиз таъминлашга қаратилган улкан фаолияти келтириб ўтилган чора тадбирларни доимий равишда ва энг муҳими – узоқ йиллик кўп томонлама ҳамкорликка асосланади. Маълумки, халқаро муносабатларда стратегия айнан узоқ мудатли самарага қаратилган режаларни назарда тутади. ЮНЕСКО Бош қароргоҳи, 53 та соҳа идоралари ва саккизта ихтисослашган институт ходимларини сафарбар этади. Шунингдек, у ЮНЕСКО кафедралари тармоғи, ассоциациялашган мактаблар, техник ва касб-ҳунар таълим муассасаларининг тажрибаларига таянади.

Ўрганилган ҳисоботларга кўра, истиқболда давлатлар бюджетининг 20 фоизини таълимга сарфланишига эришиш, сўнг бу даражани янада кўтариш - қўйилган мақсадларни амалда қўлга киритишни таъминлайди. Шу ўринда, Ўзбекистон мисолида ушбу ҳолатга аниқлик киритилиши учун, юқорида кўрсатилган фармон ҳамда концепцияга мувофиқ – таълимни такомиллаштириш ва ривожлантириш учун фойдаланилувчи молиявий маблағ манбаи, аввало давлат бюджети ҳисобланади ва сўнгра бошқа манбалар келтирилади.

Умуман олганда, аёлга берилган имконият ва шароит – давлатлар келажаги учун киритилган энг катта сармоялардан бўлиб хизмат қилади. Бу бошқа соҳаларда ҳам олиб борилган ўнлаб илмий тадқиқотлар натижаси билан ҳам, аввало, аёл кишининг салоҳияти фарзандларига ўтиши қолайверса, онанинг болани вояга етказиш жараёнидаги фаол иштироки билан исботланган. Келтириб ўтилган бир қатор вазифаларни ўз зиммасига олган ЮНЕСКОнинг бу борада энг муҳим тамоили мақсадга эришиш –

эришилган мақсадни кейинги олий мақсад учун воситага айлантириш экани маълум бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

[1]. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. «Таълим тўғрисида»// 23.09.2020 йилдаги ЎРҚ-637-сон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон

[2]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. « Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»(2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон) URL: https://lex.uz/docs/4545884

[3]. Youth/peace, dignity, and equality on a healthy planet. Available at: un.org/en/global issues/youth

[4]. Раҳимов М. 1991-1999йй Ўзбекистон Республикасининг БМТ ихтисослашган муассасалари билан ҳамкорлиги(ЮНЕСКО мисолида).Тарих фан.номз ... дис.автореф. -Т., 2000. Б.150.

[5]. Сайфуллаев Д. Инициатива основанная на доброте. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №4. 2020. Б.18-24.

[6]. SDG Resources for Educators - Quality Education. Available at: https://en.unesco.org/themes/education/sdgs/material/04

[7]. 17ta dunyoni o'zgartirishga yo'naltirilgan Barqaror Rivojlanish Maqsadlari// 03 fevral 2021//Available at: https://uzbekistan.un.org/index.php/uz/110345-17ta-dunyoni-ozgartirishga-yonaltirilgan-barqaror-rivojlanish-maqsadlari

[8]. Цель 4: Обеспечение всеохватного и справедливого качественного образования и поощрение возможности обучения на протяжении всей жизни для всех. Цели в области устойчивого развития. Available at: https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/education/

[9]. Ниязова Н. Проблема обеспечения гендерного равенства в системе международных отношений. Дисс.на соис.уч.степени PhD по полит.наукам. -Т., 2019.С.159

[10]. From access to empowerment. UNESCO strategy for gender equality in and through education 2019-2025. Published in 2019 by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization, Paris 07 SP, FranceAvailable at: https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000369000